



## THEORETICAL-LEGAL BASIS OF THE OBJECT OF THE CONSTITUTIONAL COURT

M.ABDULLAEVA<sup>a</sup>

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

## ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ОБЪЕКТА КОНСТИТУЦИОННОГО СУДА

М.АБДУЛЛАЕВА<sup>a</sup>

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047,  
Узбекистан

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДЛОВ ОБЪЕКТИНИНГ НАЗАРИЙ- ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

М.АБДУЛЛАЕВА<sup>a</sup>

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

**Аннотация:** мазкур мақолада конституциявий судлов объекти тушунчаси илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, тадқиқот доирасида мазкур соҳани ривожлантириши бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** конституциявий судлов объекти, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, халқаро шартнома, конституциявий жавобгарлик.

**Аннотация:** в данной статье проведен научно-теоретический анализ понятия объекта конституционного правосудия. Кроме того, в рамках исследования были выдвинуты предложения и рекомендации по совершенствованию данной сферы.

**Ключевые слова:** объект конституционного правосудия, нормативно-правовой акт, международный договор, конституционная ответственность.

**Abstract:** In this article, a scientific-theoretical analysis of the concept of object of constitutional justice is carried out. Moreover, in the research proposals and recommendations on improving this area are listed.

**Key words:** object of constitutional judiciary, normative-legal act, international treaty, constitutional liability.

Конституциявий ҳуқук назариясида конституциявий судлов объекти энг муҳим ва назарий масалалардан ҳисобланиб, бугунги кунда у янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳар қандай ҳуқук соҳасининг бош мақсади бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашдан иборат бўлиб, конституциявий судлов объекти билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш барча ҳуқук соҳалари каби мамлакатимиздаги ҳуқуқий ислохотларни самарали амалга оширишга хизмат қилади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган суд-ҳуқук соҳасини ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кенгайтиришга оид вазифалар, шунингдек давлат ҳокимияти тизимини изчиллик билан такомиллаштириш ва мазкур ҳокимиятни мунтазам

ўзгараётган ижтимоий муносабатлар билан уйғунлашиб бориши Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди фаолиятини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилди. 2017 йил 31 май куни Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтиришга ва уни шакллантириш тартибини янада демократлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни қабул қилиниши мазкур институтнинг сиёсий аҳамиятини янада оширди.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонунга мувофиқ конституциявий судлов объектига муҳим ўзгаришлар киритилди. Жумладан, Бош қомусимизнинг 109-моддасига Конституциявий суднинг Президент қарорлари ва фармойишларининг (аввал фақат фармон назарда тутилган эди. Қарор ва фармойишларнинг конституциявий назорат объектига киритилишига 2012 йил янги таҳрирда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда фармонлар қаторида қарор ва фармойишлар ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиши белгиланганлиги сабаб бўлди.) Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, конституциявий қонунлар, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг имзоланганига қадар Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатларини кўриб чиқиш, шунингдек ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийлик ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш каби янги ваколатлари киритилди.

Шу нуқтаи назардан бугунги кунда ислохотларга уйғун равишда конституциявий ҳуқуқ назариясида конституциявий судловнинг назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Юридик адабиётлар таҳлили конституциявий судлов объекти масаласига турли ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, ҳуқуқшунос олим В.В.Бриксон “Конституциявий суд ваколатларига қирадиган ҳуқуқий ҳужжатларни текшириш – конституциявий назорат объекти сифатида майдонга чиқади” деб таърифлайди [1].

А.Н.Чертков, Н.Н.Харитоновна конституциявий назорат объектини қуйидагича таснифлайди: қонунлар, ижро ҳокимияти органларининг ҳужжатлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқлар, давлатнинг ички шартномалари, халқаро шартномалар, индивидуал ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари, ҳарбий ва фавқулодда ҳолат жорий этишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг мавжудлиги, сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши, мансабдор шахсларнинг конституциявий жавобгарлик бўйича ҳаракатлари, сайлов ва референдумларни ўтказиш якунларини тасдиқлаш тартиби, давлат бошлиғи мажбуриятларини вақтинчалик жорий этишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг мавжудлиги, Конституцияни шарҳлаш, давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги низолар, конституциявий шикоятлар [2]. Муаллифлар томонидан таъкидланган мазкур объектлар ҳар бир давлат миллий қонунчилик тизимининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб акс эттирилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган айрим ваколатлар давлат ҳокимияти тизимида парламент ва айрим алоҳида ташкил этилган органларнинг функционал вазифаси ҳам бўлиши мумкин. М.М.Чудаковнинг фикрича, конституциявий назорат объектларига оддий, конституциявий, органик қонунлар, шунингдек парламент регламентлари қиради. Шунингдек, муаллиф халқаро шартномалар, ҳуқуқат ва бошқа ижро ҳокимияти органлари, давлат бошлиғи норматив ҳужжатларини ҳам конституциявий назорат объектлари қаторига киритади [3]. Б.А.Страшун конституциявий назорат объектларини тор ва кенг маънода таснифлайди. Унинг фикрича, тор маънодаги объектларга парламент томонидан қабул қилинган қонунларгина қиради. Кенг маънода объектлар қаторига халқаро шартномалар, ижро ҳокимияти ҳужжатлари, давлат бошлиғи ҳужжатлари, давлатнинг олий мансабдор шахслари ҳаракатлари ва ҳатто давлат ҳокимияти ваколатларига қисман эга бўлган жамоат бирлашмалари ҳужжатлари ва фаолияти, сиёсий партиялар фаолиятини киритиш мумкин [4].

Юқоридаги фикрларни таҳлил этиш асосида конституциявий судлов объекти сифатида миллий-ҳуқуқий тизимдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги, ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиш тартиб-таъмилини назорат қилиш, халқаро шартномалар ва улардан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилиши, Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш, сиёсий партиялар ҳамда бошқа сиёсий тузилмалар фаолияти конституциявийлигини назорат қилиш, сайловларнинг конституциявий ва қонунийлигини аниқлаш, ҳокимият органлари ўртасидаги ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш, парламентни тарқатиб юборишга асос бўлган ҳолатларни қайд этиш, конституциявий жавобгарлик билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Конституциявий назорат кенг қамровли ва чекланган бўлиши мумкин.

Кенг қамровли конституциявий назоратда барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар конституциявий назорат объекти бўлиши мумкин. Чекланган турида эса назорат объектлари (масалан, Қозоғистонда фақатгина қонунлар ва халқаро шартномалар, Франция, Марокаш, Молдова, Руминия, Венгрия, Габон, Бенинда парламент палаталари регламентлари, Италия, Испанияда қонун кучига эга ҳужжатлар, Словакияда ижро ҳокимияти марказий органларининг барча ҳужжатлари ҳамда вазирларнинг норматив қарорлари) тор доирада бўлади. Қоида тариқасида кенг қамровли назорат америка моделига, тор доирадаги конституциявий назорат эса европа моделига хос хусусиятларни акс эттиради [5].

Конституциявий судловнинг асосий объекти бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигидир. Асосан қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатлар конституциявий назорат объекти сифатида таснифланади:

- конституция;
- қонунлар;
- бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- халқаро шартномалар;
- суд қарорлари;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари;
- партия қарорлари;
- жамоат бирлашмаларининг қарорлари.

Бироқ юқорида қайд этилган барча ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам барча давлатлар ҳуқуқий тизимидаги конституциявий судлов объектига мувофиқ келмаслиги мумкин. Конституциявий назоратнинг асосий объекти юқорида қайд этилганидек, норматив ҳужжатларнинг конституциявийлигидир.

Юридик адабиётларда референдум орқали қабул қилинган конституция ва қонунларнинг конституциявийлигини назорат қилиш билан боғлиқ мунозаралар мавжуд. Бир қатор конституциявий судлар мазкур масалани кўриб чиққан ва бу борада ўз позициясини аниқлаш учун қарорлар қабул қилган. Франция, Чехия ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг тажрибаси референдум орқали қабул қилинган конституция ва қонунларга нисбатан конституциявий назоратни жорий этмасликни назарда тутди [6]. Референдум орқали қабул қилинган қонунлар конституциявий назорат объекти бўла олмайди, чунки мазкур қонунлар бевосита халқ суверенитетини акс эттиради. Агар конституцияни референдум орқали қабул қилиш ва ўзгартиришда кўпчиликнинг (масалан, мутлақ) овози зарур бўлса, бундай талаблар мавжуд бўлмаган референдум орқали қабул қилинган қонунлар текширилиши шарт.

Конституциявий назорат объектини таҳлил этиш асосида иккинчи гуруҳ мунозарали масалалар ҳам намоён бўлади. Бу марказий ва вилоят ижроия ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларига тегишлидир. Бу Конституциявий суднинг ваколатлар билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмаслиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, суд индивидуал шикоят асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларнинг конституциявийлиги ва қонунийлиги масаласини ҳал қилишга ҳақли эмас. Бошқа томондан эса мазкур ваколатларни умумий юрисдикция судларида жамлаш ва бу орқали конституциявий суднинг халқаро шартномалар ва қонунларнинг конституциявийлигини таъминлаш вазифаси бўйича ваколатини янада кучайтириш назарда тутилади. Бироқ конституциявий судлар ва умумий юрисдикция судлари ўртасидаги функционал муносабатлар аниқ таърифни талаб қилади. Умумий юрисдикция судлари ва конституциявий судлар ўртасидаги муносабатларни аниқ ёритиш бўйича Австрия, Германия, Испания ва Италия сингари давлатлар илғор тажрибаси билан намуна бўлиши мумкин. Жумладан, Австрия Конституциясига мувофиқ судлар тегишли тарзда эълон қилинган қонун, қарор ва давлат шартномалари қонуний кучга эга эканлигини текшириш ҳуқуқига эга эмас [7]. Суд қарорни қўллашда уни ноқонуний эканлигига шубҳа қилса, у Конституциявий судга бу қарорни бекор қилиш тўғрисида такдимнома киритиши керак (89-модда). Шунингдек, Конституциянинг 137-моддасига мувофиқ Конституциявий суд федерация, туманлар, жамоа ва жамоат бирлашмаларига такдим этиладиган, одатий суд тартибида кўриб чиқилмайдиган ҳамда бошқарув органининг қарор қабул қилиши орқали ижро этилмайдиган мулк-ҳуқуқий талабларни кўриб чиқади. Конституциявий суд бошқарув органлари қарори устидан шикоят ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари бузилишига оид ишларни кўриб чиқади (144, 145-моддалар). Франциянинг 2008 йил 23 июлдаги №2008-724 “V Республика институтларини модернизация қилиш тўғрисида”ги конституциявий қонунига мувофиқ агар суд ишини судда кўриб чиқиш билан боғлиқ равишда конституцияда қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларга зиён етказадиган қонун-қоидалари устидан шикоят қилинаётган бўлса, бунинг учун

талаб Давлат Кенгаши ва Апелляция кассация кенгаши томонидан Конституциявий Кенгашга тақдим этилади. Конституциявий суд белгиланган муддатда қарор қабул қилиши белгиланган [8].

Умумий юрисдикция судлари ва конституциявий судлар ўртасидаги муносабатлар хусусида сўз кетар экан, амалдаги қонун ҳужжатларига асосан айрим конституциявий ишларни кўриш Ўзбекистон Республикаси Олий суди ваколатига тегишлидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига мувофиқ “конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйувчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолиятини тақиқлайди. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади” деб мустаҳкамланган. Конституция нормаларига зид жамоат бирлашмалари ва сиёсий партиялар тузилса, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан уларнинг фаолияти тугатилади. Сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий ташкилотлар фаолиятининг қонунийлиги билан боғлиқ ишлар моҳиятига кўра конституциявий аҳамият касб этганлиги боис бу турдаги масалаларни кўриб чиқиш билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди шуғуллангани мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Арманистон, Болгария, Грузия, Польша, Чехия сингари давлатларда сиёсий партия ва сиёсий ташкилотларнинг конституциявийлиги масаласи кўриб чиқилади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлган фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ва билвосита иштирок этиш ҳуқуқларининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир” деган принципни амалга ошириш мақсадини кўзлайди. Фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини сайловлар орқали амалга оширади, давлат ишларида, сиёсий ҳаётда иштирок этади.

Бу ерда сўз дастлабки назорат хусусида кетяпти. Аммо қонунчилигимизда Конституциявий суд томонидан дастлабки тарзда конституциявий назорат амалга ошириш тартиб-таомиллари аниқ кўрсатиб берилмаган. Жумладан, қонун лойиҳаси Конституциявий суд томонидан қанча муддат ичида кўриб чиқилиши хусусида сўз юритилмаган. Франциянинг бу борадаги тажрибаси эътиборга лойиқ. Франция Конституциясининг 61-моддасига мувофиқ органик қонунлар эълон қилингунига (промульгация) қадар 11-моддада назарда тутилган қонунчилик таклифлари референдумга киритилгунигача қадар парламент палаталари регламенти қўллашдан олдин уларнинг конституцияга мувофиқлиги тўғрисида фикрини баён этувчи Конституциявий кенгашга тақдим этилиши керак.

Шу мақсадда Республика Президенти, Бош вазир, Миллий йиғилиш раиси, Сенат раиси, олтмиштадан кам бўлмаган депутат ҳамда олтмиштадан кам бўлмаган сенатор томонидан уларнинг эълон қилингунига қадар Конституциявий кенгашга юборилиши мумкин.

Дастлабки иккита хатбошида кўзда тутилган ҳолларда Конституциявий Кенгаш бир ой ичида қарор қабул қилиши шарт. Бироқ ҳукумат сўрови ҳамда масаланинг долзарблигига кўра бу муддат 8 кунгача қисқартирилиши мумкин. Шунингдек, 62-моддада “конституциявий эмас деб топилган қоидалар 61-модда асосида эълон қилиниши ҳамда қўлланилиши мумкин эмас”.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасида (Конституциявий судда масалаларни кўриб чиқиш муддатлари) агар олинган материаллар қўйилаётган талабларга жавоб берса, Конституциявий суд улар олинган кундан эътиборан етти кунлик муддатдан кечиктирмай масалани ўрганиб чиқишга киришиши, кўриб чиқилаётган масала юзасидан ҳужжат тегишли материал олинган пайтдан эътиборан кечи билан уч ой ичида Конституциявий судда қабул қилиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига 2, 3-қисмларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлашнинг аниқ муддатларини қонунчилигимизга акс эттириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис қонунчилигимизда Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш

тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги масала бир ой ичида кўриб чиқилиши ҳамда қарор қабул қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатининг илтимосномасига мувофиқ бу муддат қисқартирилиши мумкин мазмунидаги модданинг киритилиши дастлабки назоратни амалга оширишнинг самарали тизимини таъминлайди.

Шунингдек, қонунчилигимизда Конституциявий суднинг конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиши ваколатлари мустаҳкамланган. Аммо мазкур ахборотда айнан қандай маълумотлар акс этиши ҳусусида сўз юритилмаган. Грузия, Молдова каби мамлакатлар қонунчилигида бу турдаги ахборотларнинг мазмуни аниқ ёритиб берилган. Шу боис Конституциявий суд фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларда қуйидаги мазмундаги норма акс эттирилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

Конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

Конституциявий суд томонидан ўрғанилган ва кўриб чиқилган бошқа материалларнинг таҳлили;

жамиятдаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солинганлик даражаси, ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва юридик коллизиялар тўғрисида маълумотлар;

мамлакатдаги конституциявийликни ҳолати ҳамда уларни ечимини топиш учун таклиф ва ҳулосалар.

Мазкур ахборотнинг мазмунини алоҳида белгилаш Конституциявий суд томонидан тақдим этиладиган маълумотларнинг аниқлиги ва сифатлилигини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Бу каби ахборот хорижий мамлакатларда парламент ва давлат бошлиғи томонидан тегишли қарорларни қабул қилишда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ахборотнинг аниқ ва батафсиллиги Олий Мажлисга қонунларни сифатини оширишда ҳамда уларнинг бажарилиши устидан парламент назоратини амалга оширишда, давлат бошлиғига эса кафиллик функциясини бажаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Хулоса.** Конституциявий судлов объектини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш натижасида қуйидаги ҳулосаларга келинди:

I. Конституциявий судловнинг асосий объекти бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигидир. Конституциявий судлов объекти қуйидагича таснифланиши мумкин:

1) миллий-ҳуқуқий тизимдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда референдум орқали қабул қилинган ҳужжатларни конституцияга мувофиқлигини (айрим мамлакатларда ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши тартиб-таомилини ҳам) назорат қилиш;

2) халқаро шартномалар ва улардан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилиши;

3) конституция, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни расмий шарҳлаш;

4) сиёсий партиялар ҳамда бошқа сиёсий тузилмалар фаолиятини конституциявийлигини назорат қилиш;

5) сайловлар ўтказишнинг конституциявийлигини аниқлаш;

6) ҳокимият органлари ўртасидаги ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш;

7) парламентни тарқатиб юборишга асос бўлган ҳолатларни қайд этиш;

8) конституциявий жавобгарлик билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.

II. Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлашнинг аниқ муддатларини қонунчилигимизда акс эттириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис қонунчилигимизда Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги масала бир ой ичида кўриб чиқилиши ҳамда қарор қабул қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ёки Сенатининг илтимосномасига мувофиқ бу муддат қисқартирилиши мумкин мазмунидаги модданинг

киритилиши Конституциявий суд томонидан дастлабки назоратнинг аниқ ва самарали амалга оширилишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда конституциявий судловни амалга оширишнинг самарали механизмини йўлга қуйиш Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ва нуфузини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш ва Конституцияни муҳофаза этишда муҳим аҳамият касб этади.

#### References;

1. Briksov V.V. Ob'ekty federalnogo sudebnogo konstitutsionnogo kontrolya: problemi teorii i praktiki. Avtoreferat na soiskaniye uchenoy stepeni kandidata yuridicheskix nauk / V.V.Briksov.– Moskva, 2002. – 28 s.
2. Guseynova S.F. Ponyatiye konstitutsionnogo kontrolya, yego osobennosti // Molodoy ucheniy. – 2016. – №3. – S.681–684. URL <https://moluch.ru/archive/107/25841/>.
3. Chudakov M.M. Konstitutsionnoye pravo zarubejnix stran. – Minsk, 2001. – S.172.
4. Strashun B.A. Konstitutsionnoye (gosudarstvennoye) pravo zarubejnix stran. – M.: Bek, 1995. – S. 77-78.
5. <http://www.concourt.am/Books/harutunyan/monogr2/gl4.html>.
6. <https://www.conseil-constitutionnel.fr/> <https://www.cecc2017-2020.org/ru/>.
7. <http://www.constitutionnet.org/>.
8. La Loi constitutionnelle n° 2008-724 du 23 juillet 2008 de modernisation des institutions de la Ve Republique. URL: <http://www.legifrance.gouv.fr/>.
9. Postanovleniye Yevropeyskogo Soyuzа po pravam cheloveka ot 28 oktyabryа 1999 g. Po delu Brumaresku protiv Rumynii//pod red. Yu.Yu.Brestneva i A.O.Kovtuna. – M., 2002. – S.125.